

---

## Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашининг еттинчи чақириқ биринчи сессияси ўтказилди

Бугун еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринbosари Шерзоджон Полвонов иштирок этди.

Сессия ишида дастлаб, туман сайлов комиссияси раиси Шоҳрухбек Шокировнинг жорий йил 27 октябрда бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.



Шунингдек, сессияда депутатлар партия гурухлари рўйхатга олиниб, туман кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокимининг Ўзбекистон тумани ҳокимини тайинлаш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Вилоят ҳокимининг ўринbosари Шерзоджон Польнов Ўзбекистон тумани ҳокимини тайинлаш тўғрисидаги вилоят ҳокимининг қарорини ўқиб эшилтирди.



Ўзбекистон тумани ҳокими лавозимига номзод Юлдашев Шерзоджон Акрамович томонидан ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастури тақдимот қилинди.

Номзод бўйича депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Депутатлар томонидан Ўзбекистон тумани ҳокими лавозимига Юлдашев Шерзоджон Акрамович номзоди тасдиқланди.



2024-11-07 15:37:37